

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича
ШАРТНОМА № 17

2022 йил «14» апрел

Жиззах шаҳри

Жиззах вилоят ҳокимлиги ягона буюртмачи хизмати **Инжиниринг компанияси** (кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор Х.Хасанов, бир томондан, ва «**ELEGANT PROJECT**» масъулияти чекланган жамияти (кейинги уринларда «Ижрочи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор З.Тожибоев, иккинчи томондан, мазкур шартномани қуйидагилар хақида туздилар:

1. Шартнома предмети.

1.1. Мазкур шартнома бўйича Ижрочи Буюртмачининг топшириғида белгиланган шартларга мувофиқ **“Бахмал тумани "Мустақиллик" МФЙ Сангча маҳалласидаги 48-мактабни реконструкция қилиш (60 ўринли филиал қурилиши)” (АРТ, топосъёмка, геология, лойиҳа иши ва экспертиза хулосаси)** объекти бўйича амалдаги қонунчиликнинг ишларнинг шундай турига қўйладиган талабларига жавоб берадиган ва фойдаланиш учун яроқли бўлган шаҳарсозлик ҳужжатларини (бундан кейинги матнларда “Лойиҳа” деб номланади) ишлаб чиқиш мажбуриятини, Буюртмачи эса техник топшириқ ва бирламчи маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиш ва тўлаш мажбуриятини зиммасига олади

1.2. Хизматлар курсатиш муддати:

Ишнинг бошланиши: 2022 йил 14 апрел;

Ишни якунлаш: 10 кун.

2. Шартнома бўйича ишлар қиймати ва ҳисоб-китоблар тартиби.

2.1. Мазкур шартнома бўйича ишлар қиймати 2022 йил 11 апрелдаги лот №62652 бўйича харид қилиш комиссияси баённомасига асосан ҚҚС билан **19 000 000 (Ўн тўққиз миллион)** сўмни ташкил этади.

2.2. Ишлар қиймати очикдир. Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати қарорига асосан ҳамда вазиятлар, материаллар нархлари, ишга ҳақ тўлаш шартлари тубдан ўзгарганда ва бошқа харажатлар туфайли ишлар қиймати мазкур шартномага қўшимча битим тузиш йўли билан ўзгартирилиши мумкин.

2.3. Мазкур шартнома бўйича ишлар қийматини тўлаш Буюртмачи томонидан Ижрочининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- мазкур шартнома имзолангандан кейин бир ой давомида ишлар қийматидан 30% олдиндан тўлов;
- кейинги тўловлар – босқичма-босқич, Лойиҳани қабул қилиш-топшириш юк хати имзолангандан сўнг 60 кун давомида, Лойиҳани асосланган рад этиш хати йўқ бўлган тақдирда.

2.4. Буюртмачи молия органи томонидан молиялаштириш очилмаганлиги сабабли олдиндан тўловни ўтказиш мажбуриятини бажармаса, Ижрочи қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

2.5. Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар томонидан маблаг молиялаштирилмаган тақдирда «Буюртмачи» тулов учун мажбуриятни зиммасига олмайди.

3. Ишларни топшириш-қабул қилиш тартиби.

3.1. **“Бахмал тумани "Мустақиллик" МФЙ Сангча маҳалласидаги 48-мактабни реконструкция қилиш (60 ўринли филиал қурилиши)” (АРТ, топосъёмка, геология, лойиҳа иши ва экспертиза хулосаси)** объекти бўйича лойиҳалаш ишларини бошлаш санаси сифатида қуйидаги талабларни бажариш санаси ҳисобланади:

3.1.1. Лойиҳалашга топшириқни қонунчиликда ўрнатилган тартибда тасдиқлаш ва келишиб олиш;

3.1.2. Тасдиқланган лойиҳалашга топшириқга ҳамда лойиҳалаш ишларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларга мувофиқ буюртмачи лойиҳалаш учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тақдим қилиши;

3.1.3. Томонлар мазкур шартномага қўшимча ёзма битим тузиш йўли билан юқоридаги талабларни бажариш учун кетадиган вақтга мутаносиб равишда лойиҳалаш ишларини бажариш календар муддатлари сурилиши мумкин.

3.2. Ишлар тугаллангандан сўнг Ижрочи тайёр Лойиҳани ёки унинг қисмини Буюртмачига юк хати бўйича топширади, лойиҳалашга топшириқ ва мазкур шартнома шартларида кўзда тутилган Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим қилади.

3.3. Буюртмачи Лойиҳани олгандан кейин қуйидагиларни амалга оширишга мажбур:

- 3.3.1. Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаганидан кейин 30 кун давомида Лойиҳани олиш ёки олишни рад этиш ва Ижрочиға рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни юбориш;
- 3.3.2. Лойиҳани олишни рад этиш сабаблари кўрсатилган хат Ижрочиға юборилгандан сўнг иккитомонлама далолатнома ёки қўшимча ёзма битим тузилади. Қўшимча ёзма битимда лойиҳадаги камчиликларни бартараф этиш ишлари рўйхати ва уларни бажариш муддатлари кўрсатилади.
- 3.3.3. Буюртмачи Лойиҳани олишдан бош тортса (Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаса), рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни Ижрочиға юбормаса, Лойиҳа Буюртмачиға тақдим этилган вақтдан бошлаб унга топширилган ҳисобланади.
- 3.3.4. Агар Буюртмачи Лойиҳани текширмасдан қабул қилган бўлса, кейинчалик Лойиҳада шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлигини аниқласа, бундай камчиликларни Лойиҳани қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин қачиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддатда ёзма равишда огоҳлантириши ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

4.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- 4.1.1. Лойиҳани тайёрлаш учун зарур бўладиган лойиҳалашга топшириқ ва бирламчи маълумотларни Ижрочиға тақдим қилади.
- 4.1.2. Мазкур шартномада белгиланган миқдор ва тартибда ишлар қийматини Ижрочиға тўлаб беради.
- 4.1.3. Ижрочидан олинган лойиҳадан фақат мазкур шартномада кўзда тутилган мақсад учун фойдаланиш, лойиҳани учинчи шахсларга бермаслик ва Ижрочининг розилигисиз ундаги маълумотларни ошкора қилмаслик.
- 4.1.4. Зарурат туғилганда лойиҳани тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиш учун Ижрочини жалб этиш.
- 4.1.5. Бирламчи маълумотларни ўзгартириш ёки Ижрочиға боғлиқ бўлмаган бошқа вазиятлар туфайли пайдо бўлган қўшимча харажатларни қоплаш (мазкур масала юзасидан томонлар дастлаб ўзаро келишиб ва қўшимча битимни имзолашгандан сўнг).
- 4.1.6. Тайёр лойиҳанинг камчиликлари сабабли учинчи шахс томонидан Буюртмачиға тақдим қилинган даъво бўйича жараёнда иштирок этиш учун Ижрочини жалб қилиш.

4.2. Ижрочининг мажбуриятлари

- 4.2.1. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун Буюртмачи томонидан тақдим қилинган лойиҳалашга топшириқ ва бирламчи маълумотлардаги талабларга риоя этиш, уларга мувофиқ ва ўзи шахсан лойиҳалаш ишларини бажариши, белгиланган тартибда муаллифлик назоратини олиб бориш ва ҳар 15 кун муддатда мунтазам равишда Буюртмачиға маълумот бериш;
- 4.2.2. Буюртмачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда хато ва камчиликлар борлиги аниқланса, Буюртмачини шу тўғрисида зудлик билан ўрнатилган тартибда огоҳлантириш, Буюртмачидан кўрсатмалар олингунча ишни тўхтатиш. Буюртмачини ўз вақтида огоҳлантирмаган Ижрочи келгусида Буюртмачи томонидан даъво қилинганда ҳужжатларда хато ва камчиликлар борлигини рўқач қилмаслиги керак.
- 4.2.3. Лойиҳани тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишишда Буюртмачи билан биргаликда иштирок этиш.
- 4.2.4. Мазкур шартномада белгиланган муддатда сифатли, қурилиш меъёрлари ва қоидалари талаблари ва шахарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартибини белгилайдиган бошқа қонунчилик ҳужжатларига жавоб берадиган тайёр Лойиҳани Буюртмачиға топшириш.
- 4.2.5. Лойиҳа ишлаб чиқилишини учинчи шахсларга бермаслик.

4.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- 4.3.1. Лойиҳадан фойдаланиш давомида унда камчиликлар борлиги аниқланса, Ижрочидан қуйидагиларни талаб қилиш:
- Ижрочи Лойиҳадаги камчиликларни ўз ҳисобидан талаб қилинадиган муддатларда бартараф қилиши;
 - шартномавий қийматни шунга мувофиқ миқдорда камайтириш;
 - Ижрочи Лойиҳадаги камчиликларни ўз вақтида бартараф этмаганлиги сабабли Буюртмачининг пайдо бўлган молиявий зарарларини қоплаш;
 - Лойиҳадаги камчиликлар жиддий ва уларни бартараф қилиш имконияти йўқ бўлса, Буюртмачи шартномани бекор қилиши ва барча кўрилган молиявий зарарлар қопланишини Ижрочидан талаб қилиш.

- «Ижрочи» ташкилотнинг айби билан лойиха хужжатларига кушимча иш хажмлари ва харажатлар аниқланган тақдирда «Ўздавархитектқурилиш» қумитасининг 24.06.2008 йилги 50-сонли буйруғи билан тасдиқланган ШНК 1.03.01-08 нинг 1.13.-банди 3-хатбошига асосан Бажарувчига туланган сумма тулик Давлат бюджети фойдасига олиб қўйилади.

4.4. Ижрочи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

4.4.1. Буюртмачининг ёзма рухсати билангина лойиҳалаштиришга топшириқ ва бирламчи маълумотлардаги талаблардан чекиниш.

5. Томонлар жавобгарлиги.

5.1. Томонлар мазкур шартномадаги мажбуриятларини бажармаганлари учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгардирлар.

5.2. Лойиҳа Буюртмачи томонидан қабул қилингандан кейин Ижрочи қафолатли муддат давомида (10 йил) Лойиҳанинг дастлабки камчиликлари ва Лойиҳадан фойдаланиш мобайнида аниқланган камчиликлари учун жавобгардир. Шунингдек, ушбу камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф қилиши, агар камчиликларни бартараф қилиш имконияти бўлмаса, Буюртмачининг зарарларини тўлаб бериши керак.

5.3. Ижрочи Лойиҳадаги камчиликлар учун (ушбу камчиликлар аниқланган вақтга боғлиқ бўлмаган ҳолда) қўйидаги ҳолларда жавоб бермайди:

- Буюртмачи Ижрочи билан келишиб олмасдан лойиҳалаш мобайнида Лойиҳага қўйилган талаблардан чекинса ёхуд лойиҳалашга топшириқдаги бирламчи маълумотларни ўзгартирса;

5.4. Молия органи томонидан молиялаштириш очилган бўлса ҳам Буюртмачи лойиҳалаш ишларини ўз вақтида молиялаштирмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун ўтказилмаган тўлов суммасидан 0,4 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида ўтказилмаган тўлов суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.5. Ижрочи лойиҳалаш ишларини ўз вақтида бажармаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун бажарилмаган ишлар суммасидан 0,5 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида бажарилмаган ишлар суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.6. Пеня ва зарарларни тўлаш шартномани бузган тарафни шартномадаги мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.7. Томонлар молиявий мажбуриятларни зиммаларига олмаган шarti билан, биринчи томон иккинчи томонни 30 кун аввал ёзма равишда огоҳлантириб, мазкур шартномани муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

5.8. Шартнома муддатидан илгари бекор қилинган ҳолда, шартномани бекор қилиш ташаббуси билан чиққан томон иккинчи томонга мазкур шартнома бўйича ишлар қийматидан 10 % миқдорида жарима (неустойка) тўлайди.

6. Махфийлик.

6.1. Ҳар бир томоннинг фаолияти ёки томонлар билан боғлиқ шахснинг фаолияти тўғрисидаги ошқора қилинмайдиган барча маълумотлар махфийдир. Томонлар бундай маълумотларни бошқа шахсларга ошқора қилмасликлари, мазкур шартномани бажариш билан боғлиқ мақсадлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланмасликлари керак.

7. Шартномани ўзгартириш ва тугатиш.

7.1. Мазкур шартноманинг 10.1-пунктида кўрсатилганидек, шартнома муддати тугаши билан томонларнинг шартномадаги мажбуриятлари тугайди.

7.2. Томонлар ўртасидаги ёзма келишувига асосан шартнома ўзгартирилиши ёки муддатидан илгари тугатилиши мумкин.

7.3. Мазкур шартномага қўшимча битим ёки келишмовчилик баённомаси кўринишидаги ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда қилинган ҳамда томонлар (ёки томонлар номидан вакиллар) имзоланганидан кейин юридик кучга эга бўлади.

7.4. Қонунчиликда ёки мазкур шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам мазкур шартнома ўзгартирилиши ёки тугатилиши мумкин.

7.5. Шартнома кучда бўлишини тугатиш томонларни шартномани бузганликлари учун жавобгарликдан озод қилмайди.

8. Низоларни ҳал этиш.

8.1. Мазкур шартноманинг матнида ечимини топмаган масалалар бўйича томонлар ўртасида пайдо бўлиши мумкин бўлган низолар ва турли талқинлар амалдаги қонунчилик асосида музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

8.2. Музокаралар ўтказиш йўли билан низолар ҳал этилмаса, ўрнатилган тартибда низолар Жиззах туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

9. Форс-мажор.

9.1. Кўзда тутилмаган ва келиб чиқишини бартараф этиб бўлмайдиган фавқулодда хусусиятга эга форс-мажор вазиятлари пайдо бўлганда томонлар мазкур шартномадаги мажбуриятларини бажармаганлари учун жавобгар эмасдирлар.

Фавқулодда вазиятлар сифатида қуйидагилар тушунилади: табиий талофатлар, ёнғин, сув тошқини, шторм, уруш ва уруш ҳаракатлари, қамаллар, қўзғолонлар, саботаж, миллатчилик тусга эга ғалаёнлар, эмбарго, давлат органларининг таъқиқлашлари ва шартнома тузилганидан кейин пайдо бўлган томонлар назоратидан ташқаридаги бошқа вазиятлар.

9.2. Форс-мажор вазиятлари пайдо бўлиши муносабати билан мазкур шартномадаги томонлар мажбуриятлари бутунлай бажарилмаса ёки қисман бажарилса, мажбуриятларни бажариш муддатлари бундай вазиятлар таъсир этиши вақтига мутаносиб равишда узайтирилади.

10. Бошқа шартлар.

10.1. Мазкур шартнома вилоят Ғазначилик бошқармасидан электрон тарзда руйхатдан утгандан сунг кучга кирилади ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

10.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди. битта нусхаси Буюртмачида, битта нусхаси Ижрочида сақланади.

11. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

БУЮРТМАЧИ:

**Жиззах вилоят ҳокимлиги Ягона
буюртмачи хизмати инжиниринг
компанияси.**

Жиззах ш. Ш.Рашидов кучаси 100 уй.

Тел./факс 222-46-40, 222-29-96

шх: 100021860084017096521075069

ИНН: 204791955 ОКОНХ: 69000

Жиззах вилоят Ғазначилик бошқармаси

ЯҒХ 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент
шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса
маркази (ХККМ)

МФО: 00014 ИНН: 201122919


Хасанов Х.

ИЖРОЧИ:

**«ELEGANT PROJECT»
масъулияти чекланган жамияти**

Жиззах ш. Ш.Рашидов кучаси 63 уй

Тел. 226-66-11

Х/р: 20208000200476504001

АТИБ «Ипотека банк»

Жиззах шаҳри

МФО: 00122 ИНН: 303363994

ОКОНХ 66000


З.Тожибоев

ХУКУКИЙ ХУЛОСА:

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Қонунининг 21-моддаси талаблари асосида тузилган. Экспертиза хулосаси шартнома шартларининг мослиги ва унда тарафларнинг жавобгарлиги ҳамда низоларнинг ҳал этилиши тартиби амалдаги қонунчилик талабларига мослигини беради.

Хукукий экспертиза натижасига қура қуйдагилар аниқланди:

1. Шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари талабларига мувофиқ тузилган. Тақдим этилаётган пудрат шартномаси шартлари қонунчилик талабларига жавоб беради. Шартнома бўйича юзага келган ҳар қандай ҳолат Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 686-708-моддалари ҳамда “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Қонуннинг 10,11-моддалари билан тартибга солинади.

2. Шартнома бўйича тарафларнинг ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида юзага келадиган жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Қонуннинг 24-34, 36-моддалари талабларига мос келади.

Жиззах вилоят ҳокимлиги ЯБХ ИК

хукукшуноси - адвокат

О.Очилов


А.Н.Скорнякова

М.Алиев

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Жиззах вилояти ҳокимлиги

“Ягона буюртмачи хизмати” ИК
бош муҳандиси



А.Сарибоев

2022 йил

**Жиззах вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” Инжиниринг
компаниясида ўтказилган танлов комиссияси аъзолари йиғилиш
БАЁНИ № 4**

2022 йил “ 14 ” апрел

Жиззах шаҳри

Жиззах вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” Инжиниринг компаниясининг 2021 йил 01 февралдаги №10-сонли буйруғи билан тасдиқланган комиссияси аъзолари куйидаги таркибда,

ҚАТНАШДИЛАР:

- А.Сарибоев - Вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси бош муҳандиси, комиссия раиси;

Комиссия аъзолари:

- Т.Саттаров - Лойиҳаларни бошқариш ва қурилишни техник кузатиш бўлими бошлиғи;
- О.Очилов - Танлов савдоларини ташкил этиш ва хўжалик-шартнома муносабатлари бўлими бошлиғи;
- О.Хидоятуллаев - Молиялаштириш, маркетинг, манзилли дастурларни тайёрлаш бўлими бошлиғи;
- Ф.Зулфиқоров - Ҳисоб-китоб бўлими мутахассиси
- М.Алиев - Бирламчи рухсат берувчи, лойиҳа ҳужжатлари ва танлов ҳужжатларини тайёрлаш бўлими бошлиғи, комиссия котиби;

Кун тартиби:

Жиззах вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” Инжиниринг компанияси буюртмачилигида 2022 йилги ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 мартдаги 40-сонли раёсати мажлисининг баёни билан “Манзилли дастури”га киритилган пахса ва хом ғишдан қурилган ҳамда авария ҳолатидаги мактабларни қайта қуриш ва таъмирлаш объектлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича ўтказилган харид қилиш комиссиясининг танлов баённомалари асосида тузиладиган шартномаларнинг Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли қонуни 62-моддаси талабларига мувофиқ тузилишини таъминлаш.

2022 йил 11 апрелда “Etender.uzex.uz” электрон портали орқали ўтказилган куйидаги 26 та объект бўйича харид қилиш комиссиясининг танлов савдолари натижалари тўғрисида баённомалари расмийлаштирилган;

№	Объектнинг номи	ЛОТ рақами	Ғолиб лойиҳа ташкилоти	Ғолиб таклиф этган нарх
1	“Бахмал тумани "Бахмал" ҚФЙ Каттақишлоқ маҳалласидаги 23-мактабни реконструкция қилиш (24 ўринли филиал қурилиши)”	№61497	“Elegant Project” МЧЖ	8 000 000
2	“Бахмал тумани "Бахмал" ҚФЙ Шайбек маҳалласидаги 23-мактабни реконструкция қилиш (60 ўринли филиал қурилиши)”	№61496	“Elegant Project” МЧЖ	19 000 000
3	“Бахмал тумани "Молгузар" МФЙ Тангатопти маҳалласидаги 24-мактабни реконструкция қилиш (24 ўринли филиал қурилиши)”	№61499	“Elegant Project” МЧЖ	8 000 000
4	“Бахмал тумани "Мустақиллик" МФЙ Сангча маҳалласидаги 48-мактабни реконструкция қилиш (60 ўринли филиал қурилиши)”	№62652	“Elegant Project” МЧЖ	19 000 000
5	“Бахмал тумани "Мустақиллик" МФЙ Тегирмон маҳалласидаги 48-мактабни реконструкция қилиш (24 ўринли филиал қурилиши)”	№62641	“Elegant Project” МЧЖ	8 000 000
6	“Бахмал тумани "Музбулоқ" МФЙ Зартепа маҳалласидаги 62-мактабни реконструкция қилиш (24 ўринли филиал қурилиши)”	№62631	“Elegant Project” МЧЖ	8 000 000
7	“Бахмал тумани "Ўрмончи" МФЙ Тераклисой маҳалласидаги 75-мактабни реконструкция қилиш (24 ўринли филиал қурилиши)”	№62624	“Elegant Project” МЧЖ	8 000 000
8	“Ғаллаорол тумани "Коризқудуқ" ҚФЙ Қуриқ қишлоғидаги 11-мактабни реконструкция қилиш (80 ўринли филиал қурилиши)”	№62619	“Shaharsozlik Dizayni” МЧЖ	27 200 000
9	“Пахтакор тумани "Нурли Пангат" ҚФЙ Камар қишлоғидаги 14-мактабни реконструкция қилиш (24 ўринли филиал қурилиши)”	№62580	“Shaharsozlik Dizayni” МЧЖ	8 500 000
10	“Зомин тумани "Бешкуби" ҚФЙ Бешкуби қишлоғидаги 14-мактабни реконструкция қилиш (80 ўринли филиал қурилиши)”	№62613	“House Grand” МЧЖ	26 499 000
11	“Зомин тумани "Пахтакор" МФЙ Насосная маҳалласидаги 43-мактабни реконструкция қилиш (24 ўринли филиал қурилиши)”	№62603	“House Grand” МЧЖ	7 999 999
12	“Зомин тумани "Ғаллакор" ҚФЙ Разъезд маҳалласидаги 47-мактаб 2-филиалини реконструкция қилиш (40 ўринли филиал қурилиши)”	№62603	“House Grand” МЧЖ	13 090 000
13	“Фориш тумани "Қораобдол ота" МФЙ Қизилбулоқ маҳалласидаги 62-мактаб филиалини реконструкция қилиш (24 ўринли филиал қурилиши)”	№62521	“Jizzax Qurilish Loyiha” МЧЖ	8 300 000

14	“Фориш тумани “Қораобдол ота” МФЙ Ойтамғали маҳалласидаги 68-мактаб филиалини реконструкция қилиш (60 ўринли филиал қурилиши)”	№62507	“Jizzax Qurilish Loyiha” МЧЖ	20 100 000
15	“Фориш тумани “Қораобдол ота” МФЙ Юзбой маҳалласидаги 69-мактаб 1-филиалини реконструкция қилиш (24 ўринли филиал қурилиши)”	№62501	“Jizzax Qurilish Loyiha” МЧЖ	8 300 000
16	“Фориш тумани “Учма” МФЙ Илонли кишлоғидаги 11-мактаб 2-филиалини реконструкция қилиш (24 ўринли филиал қурилиши)”	№62567	“Ishonch Loyiha” МЧЖ	8 132 000
17	“Фориш тумани “Учма” МФЙ Қизилкишлоқ кишлоғидаги 11-мактаб 1-филиалини реконструкция қилиш (40 ўринли филиал қурилиши)”	№62572	“Ishonch Loyiha” МЧЖ	12 435 500
18	“Фориш тумани “Аришли” МФЙ Дўстлик маҳалласидаги 15-мактаб 2-филиалини реконструкция қилиш (40 ўринли филиал қурилиши)”	№62565	“Ishonch Loyiha” МЧЖ	12 435 500
19	“Фориш тумани “Учма” МФЙ Сафарота маҳалласидаги 17-мактаб филиалини реконструкция қилиш (24 ўринли филиал қурилиши)”	№62560	“Ishonch Loyiha” МЧЖ	8 132 000
20	“Фориш тумани “Учма” МФЙ Тулибой маҳалласидаги 19-мактаб филиалини реконструкция қилиш (24 ўринли филиал қурилиши)”	№62551	“Ishonch Loyiha” МЧЖ	8 132 000
21	“Фориш тумани “Осмонсой” МФЙ Қурбонхожи маҳалласидаги 20-мактаб филиалини реконструкция қилиш (24 ўринли филиал қурилиши)”	№62545	“Ishonch Loyiha” МЧЖ	8 132 000
22	“Фориш тумани “Учма” МФЙ Деристон маҳалласидаги 27-мактаб филиалини реконструкция қилиш (24 ўринли филиал қурилиши)”	№62538	“Ishonch Loyiha” МЧЖ	8 132 000
23	“Фориш тумани “Учма” МФЙ Каттасой маҳалласидаги 28-мактаб 2-филиалини реконструкция қилиш (24 ўринли филиал қурилиши)”	№62525	“Ishonch Loyiha” МЧЖ	8 132 000
24	“Фориш тумани “Учма” МФЙ Улонсой маҳалласидаги 28-мактаб 1-филиалини реконструкция қилиш (24 ўринли филиал қурилиши)”	№62528	“Ishonch Loyiha” МЧЖ	8 132 000
25	“Фориш тумани “Яссикечув” МФЙ Бешбола маҳалласидаги 70-мактабни реконструкция қилиш (40 ўринли филиал қурилиши)”	№62498	“Ishonch Loyiha” МЧЖ	12 435 500
26	“Фориш тумани “Яссикечув” МФЙ Давлон маҳалласидаги 72-мактабни реконструкция қилиш (24 ўринли филиал қурилиши)”	№62429	“Ishonch Loyiha” МЧЖ	8 132 000

Комиссия котиби томонидан 26 та объектга лойиҳа ташкилотини танлаш бўйича ўтказилган танлов савдолари юзасидан 2 иш куни мобайнида комиссия аъзоларига ҳеч қандай шикоят келиб тушмаганлиги тўғрисида ахбороти ўқиб эшиттирилди.

Комиссия аъзоларининг фикр-мулохазаларини эшитиб ва ўрганиб чиққан холда, танлов комиссияси

Қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 мартдаги 40-сонли раёсати мажлисининг баёни билан “Манзилли дастури”га киритилган пахса ва хом ғиштдан қурилган ҳамда авария ҳолатидаги мактабларни қайта қуриш ва таъмирлаш объекларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича “Etender.uzex.uz” электрон портали орқали аниқланган 26 та объект бўйича 3 иш куни ичида буюртмачи ва ғолиб лойиҳа ташкилотлари ўртасида шартномалар тузилиши мақсадга мувофиқ деб топилсин.

Йиғилиш баёни тўғри тузилган деб имзо қўювчилар:

Т.Саттаров



О.Хидоятуллаев



О.Очилов



Ф.Зулфикоров



Комиссия котиби:

М.Алиев



